

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Ахмет Бахтиярович Акимов

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети магистратура
тингловчиси, майор

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада жамоат хавфсизлигини таъминлашда ва жиноят процессининг барча босқичларида замонавий техника воситаларидан фойдаланган ҳолда жиноятларни олдини олиш, иссиқ изидан фош этиш ҳамда тергов ва процессуал ҳаракатларни расмийлаштиришда замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланиш масаласи ўрганилади.

Калит сўзлар: жамоат хавфсизлигини, жиноят процесси, тергов ва процессуал ҳаракатлар, ахборотлаштириш, техника воситалари, видеоконференцалоқа, одил судлов.

FEATURES OF THE USE OF TECHNICAL MEANS IN ENSURING PUBLIC SAFETY

ABSTRACT

This article examines the issue of widespread use of modern technology in crime prevention, hotspot detection and registration of investigative and procedural actions using modern technical means to ensure public safety and at all stages of the criminal process.

Keywords: public safety, criminal procedure, investigation and procedural actions, information, technical means, videoconferencing, justice.

КИРИШ

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тараққиётнинг асосий шарти, аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Шу муносабат билан, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлашни ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши мурасасиз курашиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги механизмларини жорий этишга қаратилган самарали ишлар амалга оширилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилиниши жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ушбу концепцияда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши мурасасиз курашиш, жамоат тартибини сақлаш, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқароларда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги йўналишидаги ишларни “**Халқ манфаатларига хизмат қилиш**” тамойили асосида ташкил этиш белгилаб берилган бўлиб, унда асосий мақсад эса Мухтарам Президентимиз таъбири билан айтганда «**Барча саъй-ҳаракатларимиз инсон қадри учун**» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда жамоат жойларида, асосан фуқаролар кўп тўпланадиган жойларда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган, видеокузатув воситаларидан кенг фойдаланишни замоннинг ўзи талаб этмоқда. Негаки ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши, аҳоли сонининг мунтазам равишда ошиб бориши, истъемол бозорининг ортиб бориши жиноятга қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Статистик таҳлилларга кўра, АҚШ ва Хитой Халқ республикаларида сўнгги йилларда ўрнатилган видеокузатув камералари сони шиддат билан ошиб бормоқда. Агар 2015 йилда АҚШда уларнинг сони 47 миллионга яқин бўлган

бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич қарийб 50 фоизга ошиб, 70 миллионга етди. Хитой Халқ Республикаси худди шу даврда 70 фоизлик ўсишни қайд этилиб, ўтган йили ушбу мамлакатда 349 миллион камера мавжуд бўлган, бу 2015 йилдаги нисбатан 210 миллионга кўп.

Хитой Халқ Республикаси камераларнинг умумий сони бўйича дунёда етакчи ҳисобланади, бироқ уларнинг зичлиги АҚШ билан деярли бир хил. Мутахассислар аҳолини мамлакатда ўрнатилган камералар сонига бўлиб, Хитойда 4,1 тага, АҚШда 4,6 тага тўғри келишини таъкидлашган. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, у ерда ҳам, бу ерда ҳам ўртача тўрт нафарга яқин аҳолига битта камерадан тўғри келмоқда. Мутахассислар томонидан энг кўп кузатув камералари мавжуд ўнта давлат рўйхати бўйича биринчи икки ўринни Хитой ва АҚШ эгаллаган, кейинги ўринларни Германия, Буюк Британия, Япония, Вьетнам, Франция, Жанубий Корея, Нидерландия ва Австрия давом эттирмоқда. [1]

Жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда видеокузатув технологияларидан инсонларнинг шахсий ҳаётига аралашмасдан кузатиб бориш жудаям катта аҳамиятга эга бўлиб, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, пинҳоний жиноятларни ўз вақтида иссиқ изидан фош этиш, қидирувдаги жиноятчиларни қўлга олиш, йўл ҳаракати қоидабузарликларининг олдини олишда ва умуман профилактика соҳасида катта ютуқларга эришиш мумкин эканлигини ушбу статистик маълумотларда яққол намаён этмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шунингдек, видеокузатув воситалари орқали кузатиш жараёнида олинган маълумотлардан жиноятнинг олдини олиш, жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатларини олиб боришда фойдаланиш, зарур ҳолларда суд жараёнларида далиллар мақбуллигини таъминлаш мумкинлиги яна ҳам аҳамиятлидир. Шу боис бугунги кунда видеокузатув воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жамиятда тинчлик ва осойишталикни, фуқаролар хавфсизлигини, жамоат тартибини сақлашга фаол жорий этилмоқда.

Хусусан, Миллий гвардия ва Ички ишлар органлари фаолиятида жамоат жойлари бўлган оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектлар, истрохат боғлари, майдонлар, бозорлар ва йирик савдо марказлари ҳамда хиёбонлар ҳудудларида

жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида видеокузатув воситалари кенг фойдаланилмоқда.

Видеокузатув камералари тизимларидан фойдаланиш бўйича бир қатор масалалар ва фикрларнинг ноаниқлигига қарамасдан, амалиёт шуни кўрсатадики, улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги самарадорлигини сезиларли даражада ошириш учун хизмат қилиб келмоқда.

Бунинг натижасида йўл транспорт ҳодисаларининг умумий профилактикаси соҳасида ижобий натижаларга эришиб, 2019 йилда йўл-транспорт ҳодисалари натижасида ҳалок бўлганлар сони **2094 нафарни** ташкил этган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич **6,3 фоизга** камайганини кўриш мумкин. 2020 йилда жами ЙТХлар сони эса 2019 йилга нисбатан **13,7%га камайиб**, **6982 тани** ташкил этди. Шундан ўлим билан боғлиқ ҳолатлар сони **1689 та** бўлди. ЙТХлар оқибатида жароҳатланганлар сони ўтган йилга нисбатан **16,8%га камайиб**, 6591 нафар бўлди.[2]

Ҳудди йўл транспорт ҳодисаларининг камайишига салмоқли ҳисса кўшгани каби, видеокузатув камералари, яъни "Чарчамайдиган соқчилар" атамаси, кунига 24 соат атрофида содир бўлаётган барча нарсаларни ёзиб олишга қодир бўлган кузатув камераларига тегишли. Уларга уйқу ёки дам олиш керак эмас, уларни пора бериш ёки чалғитиш мумкин эмас. Хавфсизлик камералари барча ҳодисаларни ёзиб олади, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ёки жиноий қилмишнинг видео далилларини тақдим этади.

Бундан ташқари, жиноят-процессуал қонунчилигида яъни тергов ва процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, жиноят процессида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш ва уларга баҳо беришда ҳамда суд-тергов фаолиятида ҳам замонавий ахборот технологиялари катта аҳамият касб этади.

Ҳозирда, суд-тергов амалиёти таҳлили, шунингдек, жамоатчилик билан бевосита мулоқот натижалари ушбу соҳада бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатади.

Тезкор-тергов тадбирларини ўтказиш сифатининг қониқарсизлиги ва процессуал қонунчилик талабларини бузган ҳолда олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланилиши ва суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш талаб даражасида эмаслиги ҳамда

халқаро амалиётда эътироф этилган янгилик ва ўзгаришларнинг жиноят-процессуал қонунчилигимизга етарли даражада имплементация қилинмаганлиги.

Шундан келиб чиқиб, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, жиноят процессида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш ва уларга баҳо беришда илғор хорижий тажрибалардан кенгдан фойдаланиш ҳамда суд-тергов фаолиятига ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенгдан жорий қилиш лозим.

Бизнингча, процессуал ҳаракатларни ўтказишда ва унинг натижаларини замонавий ахборот технологиялари бўлган фото, видеоёзув воситаларидан самарали фойдаланган ҳолда расмийлаштириш, далилларнинг тўлиқ, сифатли ва мақбул ҳамда терговнинг қонуний бўлишини таъминлайди.

Тергов ва процессуал ҳаракатларнинг ўтказилиш жараёни ва натижаларини қайд этиш воситаси сифатида видеоёзувнинг равшанлиги, тезкорлиги, терговнинг объективлиги, вазиятнинг доимий қайд этилиши, динамиклиги каби бир қатор афзалликларга эга. Бундан ташқари, видеоёзув суриштирувчи ва терговчига ҳужжатлар билан чалғимасдан, тергов ҳаракатларини амалга оширишга тўлиқ диққатини жамлаш, унинг оптимал суръатини сақлаб қолиш имконини беради.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш юзасидан ҳам бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги ЎРҚ 617-сонли Қонуни билан ЖПКнинг бир қанча нормаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонун билан киритилган асосий ўзгартиш ва қўшимчалардан бири муайян процессуал ҳаракатларни амалга оширишда видеоёзув орқали қайд этилишининг мажбурий этиб белгиланганлиги бўлиб, бунинг натижасида процесс иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг таъминланишига риоя этилиши янада мустаҳкамланди.

Қонун билан ЖПКнинг 91-моддасида (Далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар. Баённомага иловалар) мажбурий равишда видеоёзув орқали қайд этилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар доираси кенгайтирилиб, унда ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти,

шахсни ушлаш, ҳимоячидан воз кечиш, шунингдек шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш ҳаракатлари ҳам видеоёзув орқали мустаҳкамланиши назарда тутилиб ўтилди.

Шу билан бирга, ЖПКнинг 352-моддасига кўра, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, суриштирув ёки тергов эксперименти, олиб қўйиш ва тинтув, шахсий тинтув, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ва олиб қўйиш, жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартиби, мол-мулкни хатлашни расмийлаштиришда холислар иштирокида тегишли баённомалар расмийлаштирилиши шарт эканлиги белгилаб ўтилди.

Ҳозирда замонавий ахборот технологиялари кундалик ҳаётимизнинг турли жабҳаларида фаол фойдаланилмоқда. Масалан, мазкур жараёнларни хорижий давлатлар тажрибасида ҳам кўриш мумкин. Россия ва хорижий мамлакатларда жинорий иш юритишда электрон далиллардан фойдаланишга катта эътибор қаратилган.

Кейинги йилларда Россия Федерацияси жиноят-процессуал қонунчилигида холисларнинг мажбурий иштироки билан амалга ошириладиган фаолият доираси сезиларли даражада торайтирилди. Бундай иштирок этиш терговчининг ихтиёрида ҳисобланиб, агарда холислар иштирок этмаган тақдирда тергов ҳаракатининг ўтказилиши ва натижалари техник воситалардан фойдаланган ҳолда аниқроғи видеоёзув воситалар орқали қайд этилиб келинмоқда.[3]

Россия Федерацияси ЖПКнинг холисларнинг иштироки деб номаланган 170-моддасига кўра, тинтув (182-моддаси), мусодора қилиш (183-моддаси 1-бўлими 3-қисми), шахсий тинтув (184-моддаси) ва таниб олиш учун кўрсатиш (193-моддаси) тергов ҳаракатлари икки нафар холислар иштирокида ўтказилиши шартлиги белгиланган.

Лекин, мол-мулкни хатлаш (115-моддаси), кўздан кечириш (177-моддаси), эксгумация (178-моддаси), эксперимент (181-моддаси), мусодора қилиш (183-моддаси 1-бўлими 3-қисми бундан мустасно), почта-телеграф жўнатмаларини текшириш ва олиб қўйиш (185-моддаси), сўзлашувларни назорат қилиш ва ёзиб олиш (186-моддаси) ва кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш (194-

моддаси) тергов ҳаракатларида эса икки нафар холис терговчининг ихтиёрига кўра иштирок этилади деб кўрсатилган.

Бундан ташқари, агарда юқоридаги тергов ҳаракатларида терговчининг ихтиёрига кўра холислар иштирок этмаган бўлсалар, ундай ҳолатларда тергов ҳаракатларини ўтказилиш жараёни ва натижаларини техника воситаларидан фойдаланилган ҳолда расмийлаштирилиши белгиланган.

Бошқа ҳолларда тергов ҳаракатлари, агар терговчи жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосига биноан ёки ўз ташаббуси билан бошқача қарор қабул қилмаса, холислар иштирокисиз амалга оширилиши, агар тергов ҳаракатини юритишда техник воситалардан фойдаланишнинг иложи бўлмаса, терговчи баённомага тегишли ёзув киритиш шартлиги белгилаб ўтилган.

Бизнингча, ҳар қандай суриштирувчи, терговчи тергов ҳаракатлари давомида ўз олдига далилларни энг тўлиқ ва ишончли бирлаштириш вазифасини қўйган ҳолда, эртами-кечми бунинг учун энг мақбул восита бу видео қайд этиш деган хулосага келади.

Ривожланган хориж давлатларининг қонунчилигига замонавий техника воситалари кенг қўллашнинг ҳуқуқий асослари келтирилган бўлиб, улардан самарали фойдаланиш амалда кенгдан жорий қилинлигини кўришимиз мумкин.

Масалан, **АҚШ** жиноий суд жараёнида жиноий ишлар бўйича исботлаш жараёнини ўзгартириш ва бир қатор процессуал ва ташкилий ҳаракатларни оптималлаштириш имконини берувчи сўнгги техник воситалардан фаол фойдаланилади. Жиноят процессида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, унинг иштирокчилари бўлган гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар саводхонлигининг зарур ахборот даражаси мавжудлигини назарда тутган.

Буюк Британияда электрон қурилмалар ва технологиялар жиноятларни тергов қилиш, жиноий изларни аниқлаш ва тергов ҳаракатларини ўтказишда фаол қўлланилади. Техника воситалардан фойдаланган ҳолда далиллар қайд этилади, сўнгра айблов томонидан кўрсатув беришда судда фойдаланилади.

Канадада тақдим этилган процессуал ҳужжатларни онлайн рўйхатга олиш ва уларни кузатиш қўлланилади ва веб-интерфейсдан фойдаланган ҳолда процесс иштирокчилари жиноят иши материаллари билан батафсил танишишлари мумкин.

Германия ва **Австрияда** улар сунъий интеллект тизимидан фойдаланадилар, жиноятларни тергов қилиш жараёнида жиноий ишларнинг электрон архивларида автоматлаштирилган қидирув қўлланилади. Жиноят содир этиш тўғрисидаги маълумотлар базасидаги маълумотлар муайян жиноят содир этишда гумон қилинувчи шахсни аниқлаш мақсадида бошқа маълумотлар базаларидаги маълумотлар билан солиштирилади.

Швейцарияда ахборот технологиялари тергов ҳаракатлари давомида жиноят процессининг судгача ва суд босқичида фаол қўлланилади, масалан, агар сўроқ қилинаётган шахснинг келиш имконияти бўлмаса ёки катта харажатларини талаб қилса, сўроқ пайтида видеоконференциядан фойдаланилади.

Францияда суд қарори билан полиция ходимлари томонидан қўлланиладиган акустик ва визуал кузатишнинг ривожланган тизими мавжуд бўлиб, у гумонланувчининг бошқа шахслар билан музокаралари натижасида олинган маълумотларни аниқлаш учун транспорт воситаларида, турар-жой биноларида аудио ва фотосуратларни қўллашни ўз ичига олади.

Қизиғи шундаки, **Хитойнинг** жиноий жараёнига оптималлаштириш ва процессуал ҳужжатларни алмашиш учун олиб борилаётган тергов ҳаракатларининг видеоёзуvidан фойдаланиш бўйича махсус яратилган илғор тажрибаси интернет платформалари ва булутли омборлардан фойдаланилади.

Бу илғор ахборот технологиялари, шубҳасиз, бюрократик процессуал тартиб-таомилларни қисқартиради ва терговчиларнинг фақат жиноят ишларини тергов қилишга жамланишига ёрдам беради.

Хорижий мамлакатларда электрон далилларнинг мақбуллиги масаласи турли йўллар билан ҳал қилинади. Мисол учун, **Японияда** электрон ҳужжатлар сертификатланган электрон рақамли имзога эга бўлса, ҳақиқий деб тан олинади.

Бироқ, барча ҳужжатларда бундай имзони олиш қийин, шунинг учун кўпинча Япония судлари ҳар қандай электрон далилларни кўриб чиқадилар, чунки уларнинг ҳақиқийлигини текшириш қийин. Дарҳақиқат, мултимедиа маълумотларидан фойдаланиш билан мураккаблик пайдо бўлиши мумкин.

Жанубий Кореяда судда электрон ҳужжатларни идрок этишнинг иложи йўқлиги сабабли бундай маълумотларнинг босма нусхалари таҳлил қилинганда энг яхши далил сифатида қўлланилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни очиш ва тергов қилишда самарадорлигини ошириш мақсадида компьютер дастурлари, маълумотлар базалари, рақамли фотосуратлар, видео ва овоз ёзиш воситалари, ахборот тизимлари, ахборот ва телекоммуникация тармоқларига асосланган замонавий ахборот технологияларидан фаол фойдаланиш шунингдек, уларни ҳимоя қилиш зарур. Техника тараққиётнинг замонавий ютуқлари ва уларнинг мавжудлиги турли хил техник қайд этиш воситаларини кенг қўллаш имконини беради. Аналог суратга олиш ўрнини босган рақамли технологиялар ёрдамида фотографияга ёзиш воситаларидан фойдаланиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайтирилди, видеоёзувдан фойдаланиш учун қулай бўлди.

Жиноят-процессуал қонунчилигига техника воситаларини жорий этиш ва уларнинг аҳамияти, улардан фойдаланишнинг зарурияти ҳақида бир қатор МДХ ҳуқуқшунос олимлари ҳам илмий изланишлар олиб боришган.

Шундай олимлардан бири М.Р.Глушковнинг фикрича, видеоёзувдан фойдаланишда бир қанча амалий қийинчиликлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар билан боғлиқ:

-тергов ҳаракатларининг видеоёзуви тегишли ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги;

-амалиётда ходимлар, қоида тариқасида, видеоёзув билан бирга тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикасини билишмайди.

Амалда, видеоёзувни ишлаб чиқаришда махсус билимга бўлган эҳтиёж, ундан фойдаланаётган шахснинг ҳолати, видеода иштирокчиларга ҳуқуқларни тушунтириш тартиби, танланган видеоёзув, қўшиш тартиби билан боғлиқ саволлар мавжудлиги кўрсатилган.[4]

А.А.Топорковнинг таъбирича, видеоёзув баённомага нисбатан бир қатор афзалликларга эга, чунки у “нафақат сўроқ қилинувчи гапираётган ҳамма нарсани ёзиб олиш, балки нутқнинг ҳиссий-иродавий томонини ҳам ёзиб олиш имкониятини беради.[5]

С.Б.Россинскийнинг видеоёзув ашёвий далил, жиноят изларини аниқлаш, қайд этиш ва олиб қўйишнинг техник воситалари ва усулларидан бири ҳисобланади деган фикрни илгари суради.[6]

Шундай қилиб, дастлабки тергов пайтида видеоёзув камида иккита мақсадга эга: яъни, далиллар базасини шакллантириш ва тергов ҳаракатлари пайтида

жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

Ю.А.Рудтнинг ёзишича, сўнгги йилларда судлов ишларини юритишини тезлаштириш борасида шаклланган асосий илмий-назарий қарашлар ҳам, айнан судлов ишларини юритишда замонавий технологиялардан кенг равишда фойдаланиш масалаларини қамраб олади.[7]

В.Б.Наумовнинг фикрича, одил судлов фаолиятининг замонавий ахборот технологияларига бўлган эҳтиёжи, энг аввало фуқароларнинг судга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш воситаларини кенгайтириш ҳамда ишларни кўриб чиқиш муддатларини анча қисқартиришга ёрдам бериши билан белгиланади.[8]

Р.О.Никитин ахборот технологияларидан жиноят процессида фойдаланиш иш юритувининг муддатларини қисқартиришга имкон яратиш билан бирга, асосли ва самарали юридик қарорларнинг қабул қилинишига, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатларини оширишга, айбланувчи ва жиноят ишида иштирок этаётган бошқа шахсларнинг шахсига оид маълумотларнинг сир сақланишига, шахсларнинг, ташкилотларнинг, давлатнинг хавфсизлигини таъминлашга олиб келади [9] деганда мутлоқ ҳақ эди.

В.И.Зажицкийнинг нуқтаи назарича – жиноят процессида ахборот технологияларидан фойдаланиш унинг барча йўналишларига, айниқса тарафлар баҳслашаётган тергов ва суд ҳаракатларида – юзлаштириш, таниб олишда, шунингдек жабрланувчи, айбланувчи, судланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнларида қўллаш фойдалидир.[10]

ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, юртимиз ижтимоий соҳаларидаги муносабатларда замонавий ахборот технология воситаларининг ўрнини кенгайтириш, унинг мақомини янада юксалтириш зарур деган хулосага келиш мумкин.

Дарҳақиқат, Одил судлов соҳасида ахборот ресурсларига кенгроқ ўрин берилмоқда ва ундан фойдаланиш муносабатлари тартибга солинмоқда, лекин мазкур йўналишда қонун нормаларини етарли тартибга солинмаганлиги соҳада замонавий ахборот технология воситаларини самарали ва кенг қўллаш учун имкон бермаяпти. Ахборот технологияларининг жорий этилиши жиноят-процессуал

муносабатларининг барча жабҳалари ривожига катта ҳисса қўшибгина қолмай, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, ҳаёти муҳим манфаатларини таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиб қолади.

REFERENCES

1. <https://nag.ru/news/36843>
2. https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/kameralar_yordamida_7_hildagi_qoidabu_zarliklar_qayd_etiladi.
3. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации" от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 01.07.2021, с изм. от 23.09.2021)
4. Глушков М.Р. Тергов ҳаракатида иштирок этаётган шахсларга ҳуқуқларни тушунтириш жараёнини видеотасвир ёрдамида ёзиб олиш керакми? // Криминалистлар кутубхонаси. - 2015. - 2-сон (19). - Б.361-364.
5. Топорков.А.А. Криминалистика: учебник.Москва.,2012. С. 218.
6. См.:Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. Главы 1-32.1 : постатейный науч.-практ.комментарий/Е.К.Антонович [и др.] ; отв.ред Л.А.Воскобитова.М.,2015.Вып.3/4. С.383.
7. Рудт. Ю.А. Направления информатизации арбитражной системы Российской Федерации. В сб.: Пути интенсификации работы судебной арбитражной системы в России: -Омск: ОмГУ, 2009. -С.32.
8. Наумов В.Б. Электронный документооборот в арбитражном процессе: Интернет и новый АПК РФ //арбитражные споры, -2002. №3(19). –С.93-101.
9. Никитин Р.О. Правове обеспечение использования электронно-информационных технологий в уголовном процессе (Электронный ресурс): дисс...канд.юрид.наук. –М.:РГБ. 2005.-С.29 (<http://diss/rsl.ru/diss/05/07223/050073004.pdf>).
10. Зажицкий В.И. О направлениях совершенствования Уголовно-процессуального кодекса Российской Федерации //Государство и право.-2004.№6, -С.28-35.